

**«АСМДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ УСТИВОР  
ЙЎНАЛИШЛАРИ » мавзусидаги**

**МАЪРУЗА**

**Маърузачи:                   F.Дусмуратов**

**Тошкент– 2015**

## **VII -мавзу. АСМДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

- Режа
- 7.1. АСМ фаолият кўрсатиш механизмини такомиллаштиришда инновацион йўналишлар
- 7.2. Сув хўжалигида инновациялар. Механизациялаш ва электрификациялашда инновациялар. Махсулот қайта ишлашда инновациялар.
- 7.3. Сув хўжалигида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг устивор йўналишлари.
-

- **7.1. АСМ фаолият кўрсатиш механизмини такомиллаштиришда инновацион йўналишлар**
- 
- XXI асрнинг биринчи ярмида инновация динамикасининг хусусияти олимларга ушбу даврни инновация даври деб баҳолаш имконини беради. Жорий аср бошида республикамиз сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг стратегик курсини танлаш учун биринчи галда жаҳон миқёсидаги ўзаро боғлиқ ижтимоий, технологик ва геоиқтисодий жараёнлар мазмун-моҳиятини англаб етиш, яқин ва узоқ келажакда уларнинг ривожланиш истиқболини белгилай билиш лозим.
- Республикаизда инновацион хўжаликни шакллантириш иқтисодиётнинг барча секторларида, шу жумладан, агроозик-овқат мажмууда мувофиқлаштирилган тараққиётни талаб қиласди. АСМда муваффақиятли ривожланиш республикамизнинг миллий мақсадларини амалга оширишга, шу жумладан, мамлакатмизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини кафолатли таъминлашга кўмаклашади.

- Жаҳон ҳамжамияти ривожланишида аграр ишлаб чиқаришнинг ролини аниқлаш учун «қишлоқ хўжалигининг кўп функционаллиги» атамаси киритилган. У қишлоқ хўжалигининг иқтисодий, ижтимоий, экологик, маданий ва сиёсий аҳамиятини ифодалайди (нафақат асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарish, балки ҳудудларни ривожлантириш, соғлом атроф-муҳитни сақлаб туриш, қишлоқ ҳамжамиятларини ижтимоий ривожлантириш ва б.)
- Сўнгги ўн йилликлар амалиёти кўрсатишича, ривожланган кўпчилик мамлакатларда мамлакатнинг бутун иқтисодиётига, шунингдек, алоҳида тармоқларига фан ва илмий-техника тараққиёти сезиларли ва ҳал қилувчи таъсир кўрсатган. Инновация соҳаси маълум даражада шакллангани туфайли аграр соҳанинг технологик даражаси ошиб боради.

- **7.2. Сув хўжалигида инновациялар. Механизациялаш ва электрификациялашда инновациялар. Маҳсулот қайта ишлашда инновациялар.**
- АСМга ягона, ўзаро келишилган илмий-техника ва инновация сиёсатини ўтказиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида, ушбу соҳада фаолият кўрсатувчи бир қатор идоралар ва бошқарув, жавобгарлик доиралари даражалари чегараларини аниқ белгилаш, аграр сектор ривожини илмий томондан таъминлаш билан боғлиқ ҳаракатларни бирлаштириш керак.
- Бунда қуидагиларни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ:
- республика АСМ ривожи илмий таъминотининг асосланган стратегиясини ишлаб чиқиш, бу борада қабул қилинадиган қарорлар сифати ва даражасини оширишда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг, қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш Марказининг ролини кучайтириш; мувофиқлаштирувчи орган – республикамиз аграр секторини ривожлантиришнинг илмий таъминотидан манфаатдор бўлган барча вазирликлар вакилларини бирлаштириш;

- АСМ инновация ва инвестиция фаолиятини рағбатлантирувчи қонунларни, миллий инновация тизимини ишлаб чиқиш;
- инновация фаолиятини рағбатлантиришнинг турли хилларини ишлатиш (божхона йигимлари, маҳсус суғурталаш, фойда солиғидан озод этиш (модернизацияга юбориладиган қисмини) ва ҳ.к;
- ишлаб чиқариш технологик ва илмий-техника соҳаларида, жумладан, кичик инновация бизнесини профессионал менежерлар билан таъминлаш мақсадида кичик инновация тадбиркорлик соҳаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлашнинг кўп бўғинли тизимини барпо этиш;
- фан-техника ютуқларини иқтисодиёт секторига кенг кўламда жорий қилиш учун давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим инновация лойиҳаларини амалга ошириш;
- давлат сиёсатининг мінтақавий жиҳатларини, жумладан, юқори даражадаги илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган обьектларни ривожлантиришни кучайтириш.

- **7.3. Сув хўжалигида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг устивор йўналишлари**
- 
- Маркетинг тадқиқотлари маркетинг фаолиятининг барча жабҳалари бўйича қарор қабул қилиш билан боғлиқ. Бозорни баҳолаш ва истеъмолчилик талабини ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишларини тавсифлаймиз.
- **Бозорни ва сотувни тадқиқ қилиш.** У корхонанинг келгуси фаолиятини белгилаш учун бозор шароитлари тўғрисида маълумотлар олиш мақсадида амалга оширилади. Бозорни ва сотувни тадқиқ қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагиларни қамраб олади:
  - бозор сигимини баҳолаш;
  - бозорни сегментлаш;
  - бозор ўзгаришлари ва ривожланиш тенденциялари таҳлили, хусусан, иқтисодий, фан-техника, демографик, экологик, қонунчилик ва бошқа омилларни таҳлил қилиш;
  - бозор тузилмасини ўрганиш;
  - сотув ҳажмини башорат қилиш.

- Бозор сиғимини баҳолаш натурал ва қиймат ўлчамида ўлчаниб, қуйидаги формулага асосан топилади:
  -
- **БС = ММ+ ИХ - ЭХ,**
- бу ерда:
- БС – бозор сиғими;
- ММ – миллий маҳсулот ишлаб чиқариш;
- ИХ – импорт ҳажми;
- ЭХ - экспорта ҳажми.
- Бозорнинг импорт сиғими қуйидагича аниқланади
- 
- **БИС = БС - ММ + НЭ,**
- бу ерда
- БИС - бозорнинг импорт сиғими;
- МЭ - миллий экспорт, аниқланиши **МЭ = ЭХ – РЭ;**
- РЭ – реэкспорт ҳажми.
- Нисбий бозор улуши корхонанинг бозордаги улуши ва рақобатчилар улушкининг нисбати сифатида аниқланади:
- 
- **НБУ = ЎБУ - РБУ**
- бу ерда:
- ЎБУ – ўз бозор улуши;
- РБУ – рақобатчилар бозор улуши.

**E'TIBORLARINGIZ UCHUN  
RAHMAT!**